



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Халилов Жонибек Уктам ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иқтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 220-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14989115>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 7th March 2025

KEYWORDS

профилактика инспектори,
фирибгарлик, жиноят, умумий
профилактика, ҳуқуқий асослар,
ҳалол, ҳаром профилактик чора-
тадбирлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада мавзунинг долзарблиги, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини ташкил этиш фаолияти тушунчаси, бугунги кундаги ҳолати ва профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини ташкил этиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг амалиёт таҳлили ва уларга нисбатан расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар, шунингдек ҳозирги кунда профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини ташкил этиш фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, ҳамда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар, ҳамда юқорида келтириб ўтилган жиҳатлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Бугунги глобаллашув ва бозор иқтисодиёти шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкни алдаш йўли билан талон-торож қилиш, яъни фирибгарликнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 9 февралда ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса, мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган. Хусусан, ўғирлик ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаган”¹ деб танқид қилинишига сабаб бўлган.

¹ <https://kun.uz/kr/95446356#!>

Сўнги вақтларда жамиятимизда ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштириш, хусусан фирибгарлик жинояти тез-тез содир бўлмоқда. Аждодлари дину диёнат, ахлоқу одоб, ор-номус, ҳалолу покликка одатланган ўзбек халқининг авлодларидан мазкур жиноятга қўл ураётганларнинг учраши ачинарли ҳолдир. Қолбуки, динимизда бировнинг молини алдов, фирибгарлик, чув тушириш йўли билан ўзлаштиришдан қаттиқ қайтарилган. Қуръони каримда бу ҳақда шундай баён этилган. Аллоҳ таоло айтади: “Мол ва бойликларингизни ўрталарингизда ботил йўллар билан емангиз. Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўл билан ейиш мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз.” (Бақара сураси, 188- оят).

Фирибгарлик жинояти молни ботил йўл билан ейишнинг бир қўриниши бўлиб, бундай йўл билан топилган мол дўзах оташининг бир бўлаги ҳисобланади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўйидагича марҳамат қиладилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари Умму Салама розияллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳужраларининг олдида жанжал овозини эшитиб, ташқарига чиқдилар ва дедилар: “Мен ҳам бир инсонман. Менинг ҳузуримда ҳақ талашиб, даъво билан келиб турасизлар. Балки бирингиз бошқангиздан сўзга чечанроқ бўлиб чиқарсиз ва мен уни рост гапиряпти, деб шунга қараб ҳукм чиқараман. Лекин билиб қўйингки, мен кимга бирор мусулмоннинг ҳаққини олиб берган бўлсам, ўша нарса дўзахнинг бир чўғидир. Хоҳлаган уни олсин, хоҳламаган олмасин”²

Профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятининг умумий профилактикасини ташкил этиш фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги „Ички ишлар органлари томонидаи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида 191-сон буйруғида келтирилган бўлиб, мазкур йўриқнома Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартибини белгилаб, улар томонидан ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора тадбирлар тизимини амалга ошишини тартибга солади.

Ички ишлар органлари умумий профилактика тадбирларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек бу жараёнга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ногажорат ташкилот вакиллари таклиф этиши мумкин.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарнинг ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш борасидаги ислоҳотларни ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан узвий боғланган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди. Унга асосан, ёшлар ҳуқуқбузарликларини ҳимоя қилишнинг қўйидаги устувор йўналишларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунини айтиш керакки, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик биз катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай

² <https://www.naqshband.uz/makolalar/firibgar01>

қолиб, ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларни жамият ҳаётига мослаштириб улар билан доимий равишда индивидуал профилактик чора тадбирларни олиб бориш лозим³ Республика миқёсида ўтказиладиган профилактик тадбирлар ички ишлар вазирлигининг алоҳида буйруғи, фармойиши ва кўрсатмалари билан амалга оширилади.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, конференция, давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар ва учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига эга бўлган плакатлар, эълонлар ўрнатиш, видео роликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш каби профилактик чора-тадбирлар асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари ўз хизмат фаолияти йўналишлари бўйича ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боради. Ҳуқуқий тарғиботни олиб бориш юзасидан ташкил этилган тадбирларга бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини белгиланган тартибда жалб этиш мумкинлиги кўрсатилган.

Ички ишлар органлари муайян шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки муайян ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига, шунингдек бир гуруҳ шахсларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига туртки берган сабабларни ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайдилар, уларни бартараф этиш юзасидан вазирликлар, қўмиталар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиб борадилар ва ушбу тақдимномалар муҳокамасида иштирок этиши кўрсатилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тасдиқланган дастур, режа ва жадваллар асосида ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро келишув асосида амалга оширилиши ҳамда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкиллаштириш, ўтказиш жараёнига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари расмий таклиф этиши ёки уларнинг расмий таклифига кўра профилактик тадбирларда иштирок этиши мумкинлиги кўрсатилган.

Кейинги вақтларда айрим шахслар фуқаролардан қарзга ёки шерикчиликка, деб пул олиб, охир-оқибат уни қайтармай ўртада низо чиқиши, яқин кишилар бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Албатта, зарурат учун қарз олиш ёки шерикчилик билан шуғулланиш мумкин. Бироқ, олган қарзини пайсалга солмай қайтариш, шерикчиликда эса хиёнат қилмаслик лозим. Акс ҳолда бошланган ишлар ортга кетиб, касодга учраши тайин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: “Ким одамларнинг молини қайтариб бериш мақсадида олса, Аллоҳ таоло унга ёрдамчи бўлади. Ким одамларнинг молига талофат етказиш учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзига талофат етказди”. Айниқса, савдо-сотиқ вақтида харидорга фириб бериш, масалан, айбли молни айбини яшириб сотиш ёки сохта молни асл мол, деб сотиш энг оғир гуноҳдир. Куйидаги ҳадислар бунга очик далил бўлади.

³ Qadamovich, Babaxonov Hamdam. "BULGAR VOYAGE ETMAGANLAR BILAN ISHLASH FAOLIYATINI TOSHKIL ETISH BOYICHA ILGOR HORIJY DAVLATLAR TAZHRIBAS TARBIYASINI TEKSHIRISHNI PRENSIYA qilish". *Yevroosiyo Akademik tadqiqotlar jurnali* 4.4-1 (2024): 95-100.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дон сотаётган одамнинг ёнидан ўтиб қолибдилар. Унинг дони орасига қўл тиқиб кўрсалар, намланиб қолган экан. “Бу нима?”, деб сўрадилар. Сотувчи: “Эй Расулulloҳ, унга ёмғир тегибди”, деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Уни устига қўймайсанми, одамлар кўрар эди”, дедилар ва “Кимки алдаса, мендан эмас”, дедилар.

Демак, алдов, фирибгарлик, бирор нарсани сохталаштириш мусулмоннинг иши эмас. Яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Туя ва молларингизни серсут қилиб кўрсатиш мақсадида атайлаб соғмай қўйманглар. Кимки билмай шундай ҳайвонни сотиб олган бўлса, унинг ихтиёрида икки йўл бордир, бири – уни ўзида олиб қолмоқлик, иккинчиси уни эгасига қайтариб бермоқликдир. Агар қайтариб берадиган бўлса бир-икки кун соққани учун бир соъ хурмо қўшиб берсин”.

Демак, соғин сигир ва қўйларни сотишда ҳадисда баён этилганидек, фирибгарлик усуллари қўллаш ҳам жоиз эмас.⁴

Қуйида ушбу соҳавий хизматларнинг фирибгарлик жиноятларининг умумий профилактикаси нуқтаи-назардан таҳлил этамиз:

Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва унинг жойлардаги тизимлари фирибгарлик жиноятини содир этиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт- шароитни аниқлайди, бартараф этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилган махсус комиссиялар билан ҳамкорликда фирибгарлик жиноятини содир этиб жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек, бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

Фирибгарлик жиноятларини олдини олиш бўйича умумий профилактика ва бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

Фирибгарликка оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари, ҳудудий, идоровий ҳамда идоралараро дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан юқори турувчи органга ҳамда мувофиқлаштирувчи кенгашига таклиф ва тавсиялар киритади;

Жойлардаги ички ишлар органлари томонидан ўтказилган фирибгарликка оид ҳуқуқбузарликларга қарши профилактик тадбирлар юзасидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича амалга оширилган чора тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни хар чорак якунида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияга тақдим этади ва фирибгарликка қарши курашишда бошқа органлар ва муассасалар ҳамда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Амалиёт таҳлилида: Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг хусусан фирибгарликка оид жиноятларнинг сабаб ва шароитлари ва бартараф этиш ишлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, бу борада аниқ ишлар олиб борилмасдан юзаки, расмиятчилик учун бажарилаётганлиги кузатилмоқда.

Профилактика инспекторлари фирибгарлик жиноятлари содир этилишининг олдини олиш мақсадида тегишли чора тадбирларни амалга ошириш жараёнида ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизмат ходимлари, давлат органлари ва жамоатчилик

⁴ <https://www.naqshband.uz/makolalar/firibgar01>

тузилмалари билан амалга ошириладиган чора тадбирлар албатта ижобий натижа беради.⁵

Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 9 январь кунги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони⁶ қабул қилиниб, ушбу Фармонда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ушбу Фармонда хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлиги;

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги;

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади;

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги;

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлаётганлиги таъкидланди.

Профилактика инспектори фирибгарлик жинояти фош этилганидан кейин (жиноятнинг олдини олиш бўйича) асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Маъмурий ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда таълим муассасаларида аҳоли ўртасида фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этади, маърузалар ўқийди,

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида мутахассисларни жалб этган ҳолда тегишли ишларни ташкил этиш ва амалга оширилишини таъминлайди

Фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун илгари судланган ва профилактик ҳисобда турувчи шахслар билан алоҳидаги тарбиявий ишларни ва назоратни кучайтиради,

Оғир ва ўта оғир жиноятни содир этганлиги учун илгари судланган ва маъмурий назоратга олинган шахслар билан профилактик тадбирини ўтказиши,

Фирибгарлик жиноятини содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар бўйича назорат ишларини кучайтириш ҳамда виктимологик тоифадаги шахсларга топшириқлар бериш, фирибгарлик жиноятларнинг содир этишга мойил бўлган шахслар рўйхатини юритиш улар ҳақида маълумотлар тўплаш, уларнинг яқин алоқаларини ўрганиш ва доимий равишда назорат этиб борилишини таъминлайди,

⁵ [Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal](#)

⁶ <https://lex.uz/ru/docs/4149765?ONDATE=04.07.2023%2000>

Виктимологик чора тадбирлар доирасини қамраб олган режада умумий, махсус, яқка ва виктимологик тадбирларнинг ҳам ўз ўрнида белгиланиши ва тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик қилинадиган соҳавий хизматлар, жамоат тузилмалари ва давлат органларини аниқ белгилаб олади,

Маъмурий ҳудудда илгари фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун жиноий жазога тортилган ва судланган шахс сифатида профилактик ҳисобда турувчи ёки, жинси бўйича таҳлил ишларини олиб боради улар билан амалга ошириладиган профилактик чора тадбирлар режасини ишлаб чиқади,

Кейинги асосий тушунча сифатида фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга доир чора тадбирлар қандай ташкил этилиши ва амалга оширилишини таҳлил этсак: Фирибгарлик жиноятларини аниқлаш ва фош этиш, ушбу турдаги жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилишини таъминлаш учун ихтисослаштирилган тергов тезкор гуруҳи тузилади. Бу гуруҳ маълум бир турдаги жиноятлар содир этилиб, очилмай қолган, жиноятни содир этган шахслар номаълум бўлган ҳолларда ушбу жиноятларни тергов қилиш, фош этиш, бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш ва профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида тузилади. Мазкур тергов-тезкор гуруҳига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлардан Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати. Фавқулотта вазиятлар вазирлиги, Божхона хизмати, шунингдек, Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти ходимлари ҳам жалб этилишлари мумкин.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши. – 2019.
2. Ҳ.Қ. Бабаханов. Профилактика инспекторининг тарбияси оғир бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш фаолиятини ташкил этиш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси // Eurasian journal of academic research. – 2024. – Т. 2. – №. 4. – С. 95-100.
3. Ҳ.Қ. Бабаханов. Профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятлари профилактикасини ташкил этиш тартиби //Замонавий фан ва таълим янгиликлари халқаро илмий журнал/11. – 2024. – Т. 2. – №. 11 Special Issue. – С. 52-63.
4. Каримов О. Фирибгарлик - оғир жиноят. – 2019. – <https://www.naqshband.uz/makolalar/firibgar01>
5. ПФ-5618. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида – 2023 йил 9 январь.
6. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). Ozodlikni cheklashga hukm qilingan SHAXSLAR BILAN ISHNI TASHKIL ETISH BO'YICHA XORIJIY DAVLATLARNING IQTISODIY TAJRIBASI. *New Science Society International Scientific Journal nashri yangiliklari*, 1 (6), 193-200.
7. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). OZODINI CHEKLASHGA HUKUM ETILGAN SHAXSLAR BILAN ISHLASH. *New Science Society International Scientific Journal* dagi xabarnoma yangiliklari, 1 (6), 188-192.